«Тасдиклайман»
Элликкалъа туман тиббиёт бирлашмаси
бошлиғи Х. Атаниязов ________________
«____»________ 2022 йил

**Элликқалъа туман Тиббиёт бирлашмасига 2022 йил  Январ  ойи дори-дармон ва тиббий реактив моддалар харид қилиш бўйича талабгор пудратчи ташкилотлар танловини ўтказиш бўйича танлов комиссияси йиғилишининг ___9/1___ сонли**

**Б А Ё Н Н О М А С И**

Бўстон шаҳри 2022 йил «24» Январ

| | | |
|---|---|---|
| **Комиссия раиси:** | Х. Атаниязов | - Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи |
| **Комиссия аъзолари:** | Б.Аннаев | - Бош врач ўринбосари |
| | Б. Якубов | - Бош хисобчи |
| | О.Атаханов | -Дори/д хисобчи |
| | Р.Шарипов | -Ички дорихона мудири |

**К У Н  Т А Р Т И Б И:**

Комиссия аъзолари томонидан 2022 йил бюджет маблағларидан хамда бюджетдан ташкари маблағлар хисобидан тиббиёт бирлашмасига 2022 йил  Январ  ойи дори-дармон ва тиббий реактив моддалар харид қилиш зарурлиги айтиб ўтилди Ушбу 2022 йил  Январ  ойи дори-дармон ва тиббий реактив моддаларни харид қилиш бўйича махаллий ишлаб чиқарувчилар « TOLMOMED »МЧЖ ва «PHARM ALLIANCE-JMP»МЧЖ  хамда «SAMPROMED»МЧЖ ларнинг такдим килинган тижорат таклифларини кўриб чиқилади. Элликкалъа туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи сўзга чиқиб нархлари ва дори-дармон ва тиббий реактив моддаларни етказиб бериш « TOLMOMED » нинг  таклифи маъкул келишини айтиб ўтди.

Унга кўра қуйдаги Товар (иш хизмат)ва махсулотлар етказиб берувчилардан қуйдагича таклифлар тушди:

| № | Товар иш хизматлар номи | Лот номери санаси ва бошланғич суммаси | Мик дори | «TOLMOMED» МЧЖ | «PHARM ALLIANCE-JMP» МЧЖ | «SAMPROMED» МЧЖ |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Ташкилот манзили:** | | | | Самарканд шахри | Самарканд шахри | Самарканд шахри |
| **Ташкилот СТИР** | | | | **306333640** | | **304397824** |
| 1 | Элликкалъа туман Тиббиёт бирлмшмаси | - | 1 | **157 997 582** | 157 999 583 | **157 998 582** |
| 2 | **муддати** | | | 2 кун | 3 кун | 3 кун |
| **ЖАМИ:** | | | | | | |
| Алохида шартлар | | | | Сифатли хизмат қилиш талаб қилинади. | | |

**С Ў З Г А  Ч И Қ Д И Л А Р:**

Юқоридаги таклифлар билан танишиб чиқиб, музокарага туман Тиббиёт бирлашма рахбари Х.Атаниязов,бош ҳисобчиси Б. Якубов, юқоридаги талабгор ташкилотлар ичидан « TOLMOMED »МЧЖ нинг таклифи 2022 йил Январ ойи дори-дармон ва тиббий реактив моддаларни етказиб бериш таклифи маъқул келишини айтиб ўтдилар.

Кун тартибидаги масала бўйича билдирилган таклиф-мулоҳазалардан келиб чиқиб; танлов комиссияси томонидан

**Қ А Р О Р  Қ И Л И Н Д И :**

1. Элликқалъа туман Тиббиёт бирлашмасига 2022 йил Январ ойи дори-дармон ва тиббий буюмлар харид қилиш **157997582** (Бир юз эллик етти миллион туккиз юз туксон етти минг беш юз саксон икки ) сўмга,2кун муддатда « TOLMOMED » томонидан 2022 йил Январ ойи дори-дармон ва тиббий реактив моддаларни етказиб беришига берган таклифи қабул қилинсин ва талабгор ташкилотлар танлови ғолиби деб топилсин.
2. Тиббиёт бирлашмаси бош ҳисобчиси Б. Якубовга « TOLMOMED » нинг вакилини икки томонлама шартномаси тузишга таклиф қилсин.

Комиссия раиси: Х. Атаниязов

Комиссия аъзолари:

А.Аннаев

Б. Якубов

О.Атаханов

Р.Шарипов

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: ЕК6487753472

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1. Loyihaning turi**: Shartnoma №01/14

**2. Loyiha mazmuni**: shartnomasi.

ООО “толмамед”, keyingi o‘rinlarda “Sotuvchi” deb yuritiladi. O‘zining nizomi, asosida ish yurituvchi direktor Z.Sh.Bozorov nomidan, bir tomondan va Ellikkala tuman Tibbiyot birlashmasi , keyingi o‘rinlarda “Sotib oluvchi” deb yuritiladi, O‘zining nizomi, asosida ish yurituvchi X. Ataniyazov nomidan, ikkinchi tomondan mazkur shartnomani quyidagilar haqida tuzdilar. Mazkur shartnoma 2022 yil 31 yanvar kungi Shartnomaning umumiy summasi 10 313 900,00 (Un millionuch yuz un uch ming tukkiz yuz) so‘mni tashqil qiladi

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:**

Ellikqal’a tumani Tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022 yil 31-yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga 2022 yil 31-yanvar kiritilgan.

Loyiha amaldagi O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 386,436,437 moddalari hamda 1998 yil 29 avgust kungi 670-I son “Xo‘jalik yurituvchi sub’yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonun xujjatlarida ko‘rsatilgan talablarga muvofiq ishlab chikilgan qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz boshlig’i:** **A.Kadirov**

**31.01.2021 y**

# О Л Д И – С О Т Д И   Ш А Р Т Н О М А С И № 01/14

«31» Январь 2022 йил

Самарканд шахри

*ООО "Tolmamed*", кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи ***директор З.Ш.Бозоров*** номидан,, бир томондан ва ***Элликкала туман Тиббиёт бирлашмаси*** , кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи ***Х. Атаниязов,*** номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(махсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига ўз вактида сифатли килиб етказиб бериш, Сотиб олувчи эса товар(махсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар (махсулотлар) номи | Улчов бирлиги | Сони | Нархи | ККС | Бахоси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бинт 7х14 (237) | шт. | 100 | 2 970,00 | ККС сиз | 297 000,00 |
| 2 | Викрил (298) | шт. | 30 | 32 200,00 | ККС сиз | 966 000,00 |
| 3 | Лекопластер | шт. | 50 | 5 600,00 | ККС сиз | 280 000,00 |
| 4 | Марли 5 метр (252) | шт. | 100 | 13 850,00 | ККС сиз | 1 385 000,00 |
| 5 | Не стерил перчатки (236) | шт. | 800 | 1 030,00 | ККС сиз | 824 000,00 |
| 6 | Система (241) | шт. | 570 | 3 200,00 | ККС сиз | 1 824 000,00 |
| 7 | Скалрер 22 (297) | шт. | 100 | 5 500,00 | ККС сиз | 550 000,00 |
| 8 | Стерилний перчатки 7,5 (235) | пара | 400 | 3 450,00 | ККС сиз | 1 380 000,00 |
| 9 | Шприц 10,0 (242) | шт. | 1 045 | 620,00 | ККС сиз | 647 900,00 |
| 10 | Шприц 2,0 (242) | шт. | 3 000 | 400,00 | ККС сиз | 1 200 000,00 |
| 11 | Шприц 5,0 (242) | шт. | 2 000 | 480,00 | ККС сиз | 960 000,00 |
| | Жами: | | | | | 10 313 900,00 |

1.2. Шартноманинг умумий суммаси *10 313 900,00 (Ун миллионуч юз ун уч минг туккиз юз)* сўмни ташкил килади

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани газначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида конунчиликка мувофик, шартнома умумий суммасидан 30% микдорида (шартнома суммасидан 30% микдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, колган 70% ни товарни олгандан сўнг 5 банк иш куни ичида кабул килиш-топшириш далолатномаси, хисоб-фактура ва в.б.асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблаглари Етказиб берувчининг тегишли хисобварагига келиб тушган вактдан бошлаб 3 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофик товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни кабул килишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўликлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиклигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошка холлар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи хисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича кабул килинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофик амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг хукуклари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошка меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

Буюртмачи хисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини коплаб беришни талаб килиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошка холлар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофик, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб килиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб килиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
- камчиликларни бегараз бартарф этиш;
- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни коплаб беришни талаб килиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофик етказиб берилган товарларни кабул килиш;
- товарларнинг кийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи куйидаги хукукларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний хисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида кўзда тутилган тартибда ва хажмларда амалга оширишни талаб килиш;
- Буюртмачидан шартномага мувофик, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда кабул килмаслик натижасида етказилган зарарларни коплаб беришни талаб килиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофик белгиланган муддатда, микдорда ва сифатда етказиб бериш;
- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигидан четга чикишга йўл кўйган холларда Буюртмачининг талаби бўйича 3- кун муддат ичида барча аникланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилигига мувофик ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган такдирда шартнома бажарилган хисобланади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз микдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) холларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташкари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини такдим этган холда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар киймати тўланишини талаб килишга хаклидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки кисман рад этганлик, шунингдек хисоб-китобнинг бошка шаклларида товарлар хакини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини такдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни такдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи микдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар хакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- микдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш

муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиклиги;
шартнома шартларининг бошка бузилишлари;
- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни кабул килиш ҳамда уларнинг ҳакини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳаки тўлаб кўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талаб килишга ҳаклидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, окибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси кўйилмаган ёки лозим даражада маркировка килинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди.

Товарлар кабул килингандан кейин яна жўнатилиши ёки сакланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташкари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб килишга ҳаклидир.

**5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

5.1.Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиккан такдирда, томонлар, коидага кўра, мустакил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иктисодий судига мурожаат килишга ҳаклидир.

5.3. Томонлар иктисодий судига мурожаат килган такдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судида кўриб чикилади.

**6. ФОРС-МАЖОР**

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чикса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралидаги 63-сонли "Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиклаш механизмини киритиш тўғрисида"ги карорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни кисман ёки тўлик бажарилишидан озод этилади.

**7. БОШКА ШАРТЛАР**

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси конунлари билан тартибга солинади.

**8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ**

8.1. Мазкур шартнома газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2021й. "31" декабргача амал килади.

8.2. Шартноманинг амал килиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошка томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал килиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод килмайди

**9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

| «Ижрочи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| **ООО "TOLMOMED"** | Элликкалъа ТиТБ |
| Манзил: Самарканд шахар Амир Темур кучаси 149 уй | Адрес: Бустон ш. Сайилгоҳ N=1 |
| Тел./факс 93 340-40-67 | Тел.: 585-13-50 |
| х/в **2020 8000 4050 5923 3001** | Факс: |
| Банк номи АКБ "ИНФИНБАНК" | Хисоб Ракам: 100022860352507073102059001 |
| МФО 01133 СТИР 306333640 | ИНН: 200914296 |
| ОКЭД 46900 | ОКЭД: |
| | Казначейский лицевой счет заказчика: |
| | Наименование казначейского подразделения: 00014 |
| | ИНН казначейского подразделения: 201122919 |
| | Единый казначейский счет (ЕКС): 23402000300100001010 |
| Рахбар: Бозоров З. Ш. | Рахбар: Х. Атаниязов |
| (М. У) | (М. У) |

2002281

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"TOLMOMED" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"TOLMOMED" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

15.04.2019 711705 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 306333640

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Samarqand viloyati, Samarqand shahri, AMIR TEMUR KO'CHASI 149-UY,

Guvohnoma: Samarqand viloyati, Samarqand shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):